O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARGONA VILOYATI
FARGONA SHAXRI
MA'SULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI
«HIMOYA - AUDIT»

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ГОРОД ФЕРГАНА
ОБЩЕСТВОС ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«HIMOYA - AUDIT»

O'zbekiston Respublikasi, Fargona viloyati, Fargona shaxri,
Xr 20208000904195942001, INN: 204107363, MFO: 01131, Universalbank Farg'ona
shahar filiali, tel: 226-07-57, 930-55-75, faks: 226-13-68
e-mail:himoyaaudit@gmail.com

# Ижобий фикр билдирилган
# АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

## «Шеробод пахта тозалаш» АЖ рахбариятига

Мен (биз),Фаргона шахри С.Темур кўчаси 225 уйда жойлашган, электрон почта манзили himoyaaudit@gmail.com. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2008 йил 30 январда берилган №00467-сонли барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2007 йил 17 октябрда 119-сон билан рўйхатга олинган,СТИР 204107363, банк хисоб раками 20208000904195942001 «Универсалбанк» Фаргона филиалида очилган, МФО 01131 масъулияти чекланган жамият шаклидаги «HIMOYA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Бахромов Шерхон Хусанович (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2019 йил 07 февралдаги 05592-сонли малака сертификати) томонидан хўжалик юритувчи субъект «Шеробод пахта тозалаш» АЖнинг бухгатерия баланси ва молиявий натижалар тўгрисидаги хисоботларидан иборат, 31 декабрь 2018 йил холати бўйича молиявий хисоботларининг ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъектнинг рахбарияти бухгалтерия хисоби тўгрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Шеробод пахта тозалаш» АЖнинг такдим килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия хисоби тўгрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва хакконийлигини бахолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамиздан предмети хисобланади.

Аудиторлик текширув давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўгрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «Шеробод пахта тозалаш» АЖнинг 31 декабрь 2018 йил холатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини хакконий акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тўгрисидаги конун хужжатлари талабларига мувофик келади.

МЧЖ «HIMOYA-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори: Хатамов Ш.Б.

Аудитор: Бахромов Ш.Х.

30 апрель 2019 йил